

ТОШКЕНТ ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Вилоят ижтимоий—сиёсий газетаси

1993 йил, 24 апрель • Шанба

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

№ 47 (10.473). Нархи 8 сўм.

ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА



Қабул пайти.

Р. НУРИТДИНОВ олган сурат.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш (ЕХХК)нинг расмий делегацияси 20 апрель кунин Ўзбекистонга келди. Делегацияга мазкур кенгашнинг раиси, Швеция қироллиги ташқи ишлар вазири Баронесса Маргарета Аф Углас хоним бошчиликти қилмоқда.

21 апрель кунин Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Маргарета Аф Углас хоним бошчилигидаги шундай халқаро ташкилот делегациясини қабул қилди.

Ислам Каримов меҳмонларга Ўзбекистондаги вазият, иқтисодий, сиёсий илоҳот ҳамда республика раҳбариятининг минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини кафолатлаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўз-

лаб берди. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан ҳар томонлама алоқаларини кенгайтиришга ва Марказий Осиёдаги сиёсий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишга ҳисса қўшади, деб умид билдирди.

Маргарета Аф Углас хоним Ўзбекистон билан яқиндан танишиш имконияти яратилгани учун миннатдорчилик изҳор этди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Сафоев ва бошқа расмий кishилар иштирок этдилар.

Шу кунин делегация аъзоларини Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров қабул қилди. Олий Кенгашнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси,

конституциявий назорат қўмитаси, инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий қўмитаси вакиллари иштирокида миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини кафолатлаш хусусида суҳбат бўлди.

Меҳмонлар шунингдек, ташқи ишлар вазири С. Сафоев билан учрашдилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитасида турли динлар вакиллари билан мулоқотда бўлдилар. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетда жамоат ташкилотлари, партиялар, ижодий уюшмалар, миллий маданий марказлар вакиллари, олимлар ва ишбилармонлар билан ўтказилган суҳбатда ҳам иштирок этдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

Т. М. МИРЕҚУБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BOШ VAZIRINING URINBOSARI ETIB TAYINLASH TUGRISIDA

Тўлқин Мирхолиқович Мирёқубов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин. Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**.
Тошкент шаҳри, 1993 йил 23 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

Ғ. А. АЛИМОВНИ (ШУХРАТ) ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING FAХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ TUGRISIDA

Қўп йиллик самарали фаолияти, ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат ҳаётида фаол қатнашгани учун ёзувчи Ғулом Аминжонович Алимов (Шухрат) Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин. Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**.
Тошкент шаҳри, 1993 йил 23 апрель.

Сайфулла САЙДАЛИЕВ,
Тошкент вилояти ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати

ДЎСТЛИКДАДИР КУЧ - ҚУДРАТИМИЗ

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 15-16 апрель кунлари Тошкент вилояти делегацияси Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилоятида бўлиб қайтди. Бу ерда икки вилоят учун муҳим ҳужжат — 1993-1997 йилларда иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳалар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан шартномалар имзоланди.

Ана шу муносабат билан Хўжанд районидаги С. Урунхўжаев номли жамоа ҳўжалигининг мухташам «Арбоб» маданият саройида шартномани имзолаш маросими ўтказилди. Шартномани Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиев ва халқ депутатлари Ленинобод вилоят кенгаши ижроия қўмитаси раиси А. Ҳамидов ўртоқлар имзолادилар. Саройда бу муҳим тарихий воқеага бағишлаб тантанали йнгилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиев ва Ленинобод ижроқўми раиси А. Ҳамидов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбек халқи дўстлик, қардошлик ва ўзаро ҳамкорлик аяналарига ҳамisha содиқ қолаётганлиги маълум. Республикаимиз Президентини бу масалага доимо катта эътибор бериб келаёттир. Урта Осиё ва Қозоғистон Республикаларини раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида Ислам Каримов шундай деган эди: «Ҳеч ким бизнинг истиқлолимизга даҳл қилолмастлиги учун ҳар биримиз ўз йўлимиздан ўзаро тинч-тотув ва ҳамкорликда жипслашиб ҳаракат қилишимиз зарур».

Ана шу учрашувда Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси айтган гаплар ҳам ёдимизда. Ушанда Имомали Раҳмонов «Гарчи мустақил бўлсак-да, ўзини ҳал қилолмайдиган кўпгина муаммоларга дуч келаямиз... Бу учрашувнинг Тошкентда ўтказилишининг ўзига хос рамзий маъноси бор. У аздалан тинчлик ва дўстлик шаҳри бўлиб келган. Бошимизга кулфат тушган кезларда ўзбек халқининг биродарлик ёрдами эса беқийёс бўлди. Бу халқ осойишталигини тиклашимиз, барбод этилган иқтисодиёт-

ни оёққа қўйишимиз керак» деган эди. Зотан, икки томонлама дўстлик ва биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш билан бирга халқларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш ҳаммаимизнинг энг асосий ишимиз эканлиги маълум. Бунинг учун энг аввало иқтисодиётни жадал ривожлантириб, узилиб қолган алоқа ришталарини қайта улаш, халқларимиз бошидан кечираётган тақчиллик ва тангликка мумкин қадар тезроқ барҳам бериш керак.

Шу боис ҳар икки вилоят раҳбарияти бу дўстликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликни кучайтиришни расмий шартномалар асосида барқарор этишдек хайрли ишга қўл урдилар. Ўзаро келишувга мувофиқ тегишли ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди...

Ленинободликлар Тошкент вилояти вакилларини алоҳида мамнуният ва очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Тўпланганлар чехвасила табассум, одамларнинг руҳиятидан бу таширфимизга бўл-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

ҲУКУМАТГА ҚАРАШЛИ БЎЛМАГАН «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ҲАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ TUGRISIDA

Келажак авлодининг саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ва меҳнат жамоалари, sanoat корхоналари, жамоат ташкилотлари, бир қанча ҳоринжий компаниялар ва фирмаларнинг кўпдан-кўп мурожаатларини эътиборга олиб:

1. Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро ҳайрия жамғармаси ташкил этилсин.
2. Мазкур жамғармани рўйхатдан ўтказиш ва унинг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунари билан белгиланади.
3. Жамғарма барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, хорижий фуқаролар,

ташкилотлар, фирмалар ва уюшмалар учун очиқ деб ҳисоблансин.

Вазирликлар, идоралар, концернлар ва ҳокимликлар «Соғлом авлод учун» жамғармасининг фаолиятига бутун чоралар билан кўмаклашсинлар.

Барча вилоят марказларида ва Тошкент шаҳрида жамғарманинг филиаллари ва бўлималарини очиш мақсадида мувофиқ деб топилсин.

3. Қуйидагилар:
— Тугруққа ёрдам ва болалар муассасаларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлашга, янги, самарали даволаш воситалари билан таъминлашга;
— жамоатчилик ва давлат тузилмаларининг жаҳон

тажрибасини ҳисобга олган ҳолда келажак авлод наслини яхшилашга қаратилган куч-гайратларини мувофиқлаштиришга кенг кўламда кўмаклашиш жамғарманинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин.

4. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг юксак ижтимоий мақоми ва нуфузи таъминлансин. «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотлаш чоғида жамғарма бошқаруви тақдимномаларининг ҳал қилувчи аҳамияти эътироф этилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида «Соғлом авлод учун» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилсин ва жамғарма туғридаги Низомни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
1993 йил 23 апрель.

ЖАМИЯТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДА ХИТОЙ
ТАЖРИБАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ
ТУҒРИСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ТАБРИКНОМА

Ҳолат долзарб муаммога бағишланган Республика илмий конференциясининг қатнашчиларини чин юракдан табриклайман.

Дунёнинг қудратли давлатларидан бири — Хитой Халқ Республикаси Хитой халқининг ҳавас қилса арзийдиган меҳнатсеварлигини, зўр бунёдкорлик имкониятларини ва донишмандлигини амалда намойиш этиб, жамиятни пухта ўйлаб, изчил ислоҳ қилиш намунасини кўрсатаётгани диққатга сазовордир.

Хитой раҳбариятининг мамлакат тараққий этиш асосий, устувор йўналишларини аниқ фахрлаб, унинг стратегик максادلари ва муҳим муаммоларини пухта таърифлаб бериш маҳорати ҳурматга лойиқдир.

Узининг неча минг йиллик кўна маданиятга таянаётган, фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланаётган Хитой ҳозир иқтисодиётни жуда юксак

даражада муттасил ривожлантиришни, ижтимоий ва маданий вазифаларни изчил ҳал этишни таъминлаб келмоқда. Буюк кўшнимиз ўз халқининг ишончига суянувчи, унинг орзу-умидлари ва манфаатларини ифодаловчи мустақил, оқилона ички ва ташқи сиёсати билан забардаст давлатнинг салоҳиятини дадил намойиш этмоқда.

Илмий конференция қатнашчилари Хитойнинг ислоҳот ўтказиш тажрибасини ва ундан Ўзбекистонда мамлакатимиз хусусиятларини ҳисобга олиб, ижодий фойдаланиш имкониятларини ҳолат синчиклаб таҳлил этишларига ишончим комил.

Конференция қатнашчиларининг самарали ишлашларига тилақдошман.

Ўзбекистон
Республикасининг
Президенти

Ислом КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри.

Республика Вазирлар маҳкамасида

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамаси келгуси йилда Урта асрларнинг буюк олими Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Амир Темурнинг набираси Муҳаммад Тарағай дунёда Мирзо Улуғбек номи билан машҳур бўлиб астроном ва математик сифатида шуҳрат қозонди. Унинг астрономия назарий асослари баён этилган ва юлдузлар жадваллари ўз ичига олган «Зижи Кўрағоний» асари асрлар давомида энг аниқ жадвал бўлиб келди ва шу кунгача ҳам тадқиқотчилар уни зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Самарқанд ҳоқими аллома Улуғбек ўз теварағига замонасининг атоқли олимларини, истеъдодли ёшларни тўплаб, мамлакатда илм-фанни ривожлантириш, иқтисодиёт ва маданиятни тараққий эттириш учун қулай шароит яратиб берди.

Вазирлар маҳкамаси қабул этган қарорда юбилей тадбирларини тайёрловчи республика ташкилот комитетининг тарихий тасдиқланди. Бу комитетга ўн кун муддатда Мирзо Улуғбек юбилейини тайёрлаш ва ўтказиш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш топширилди.

Буюк алломанинг 600 йиллигига бағишланган якуновчи тантаналарни Самарқандда 1994 йилнинг сентябрь-октябрида ўтказиш, унга чет эллардан меҳмонлар таклиф этиш кўзда тутилмоқда. Келгуси йилнинг сентябрида Тошкентда Мирзо Улуғбекка бағишланган халқаро илмий конференция уюштириш белгиланди, унга ҳам хорижий олимлар таклиф этилади.

Ташкилот комитетига Улуғбекнинг 600 йиллигини ўтказишни ЮНЕСКО режасига киритиш туғрисидаги масалани шу йилнинг охиригача белгиланган тартибда ҳал этиш, 1994 йилда сана билан боғлиқ бўлган юбилей медаллари, почта маркаси, эсдаликлар ва матбаа маҳсулотлари чиқарилишини таъминлаш топширилди. Математика, астрономия, физика соҳаларидаги салмоқли илмий натижалар учун Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академиясининг халқаро мукофотини таъсис этиш кўзда тутилди.

Қарорда Ўзбекистон Рес-

публикаси Маданият ишлари вазирлигига 1994 йилнинг биринчи ярмида Самарқанд шаҳридаги Улуғбек расадхонасини тиклаш-тузатиш ишларини ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларидаги Улуғбек мадрасаларини таъмирлаш-тиклаш ишларини тугаллаш, шунингдек архитекторлар, расомлар уюшмалари ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда келгуси йилнинг иккинчи чорагида Ўзбекистон пойтахтида Мирзо Улуғбек ҳайкалинини ўрнатилди.

Улуғбек жамғармаси билан Тошкент давлат техник университетининг улар ҳузурда физика, математика ва техника иқтисосидаги истеъдодли болалар миллий лицейини ташкил қилиш ҳақидаги таклифи қабул этилди. Улуғбек жамғармасига пулбюм лотереясини ўтказишга ва юбилей нашрлари чиқарилишини уюштиришга ижозат берилди, улардан тушган фойда истеъдодли болалар миллий лицейининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга ишлатилади, шунингдек юбилей тадбирларини ўтказишга сарфланади.

(Давоми 3-бетда).

ДЎСТЛИКДАДИР КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ

(Давоми, Боши 1-бетда).

ган қизиқиш ниҳоятда катта эканлигини сезиб олиш қийин эмас эди. Қарда бўлмайдик, бизни қалбларига босгудек меҳр-муҳаббат билан қаршилашди. Вилоятимиз вакиллари шаҳар ва қишлоқларда бўлишар экан, мезбонлар уларни самимият билан кутиб олишар, чин дилдан суҳбатлашар, иш тажрибалари ҳақида қизиқиб ўртоқлашишарди.

Бу учрашувлар чоғидаги ҳаяжонли дамларни санаб адоғига етиш қийин. Аммо Ленинободдаги йирик саноат корхоналаридан бири — «Нолинко» акционерлик жамияти (гилам фабрикаси) жамоаси билан учрашувда айрилган бир гап менинг қалбимда узоқ сақланиб қолади. Улар «Илоҳим, сиз дўстларимизнинг қадами юртимизга тинчлик, осойишталик, хотиржамлик олиб келсин. Бундан буён биргаликда, ҳамжиҳатликда оғанин бўлиб меҳнат қилайлик», деб юзларига фотиҳа тортилар. Одамлар кўзига секин, умид ёшлари, юрт оқсоқолларининг пок ният билан қилган дуолари, болалар, оналар, хуллас барчанинг ўзгача бир самимият билан ёнимизга келишларини кўрганамизда Ўзбекистондек она юртимиз қардоши, жондоши Тожикистон халқига энг оғир ва мураккаб пайтда кўмак бераётганлигида мамнун бўлдик.

Хўш, икки томонлама ҳамкорлик ҳақида имзоланган шартноманинг асосий мазмуни ва ундан кўзда тутилаётган мақсад нима ўзи? Шартномалар туфайли келгусида қандай ишлар амалга оширилади.

Иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳаларни ўз ичига олган ҳамкорликни ривожлантириш туғрисидаги шартномада жуда кўп муҳим масалалар қамраб олинган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳамкорликни кучайтириш, дала ишлари учун зарур



СУРАТДА: Тошкент вилояти ҳоқими С. Сайдалиев отахонлар билан суҳбатлашмоқда.

бўлган техника таъминотида ёрдам кўрсатиш, етиштириладиган маҳсулотларни айрибошлаш, биргаликда ирригация ва мелиорация ишларини амалга ошириш, қишлоқ хўжалигида илғор тажрибаларни ўзаро алмашиш, савдо-сотиқни йўлга қўйиш, ҳар икки вилоят саноат корхоналари ҳамкорлигини ташкил этиш ана шулар жумласидандир.

Шартномаларга кўра бундан кейин, икки вилоят ўртасида борди-келди кучаяди, бозорларимизда эркин сотиладиган турли маҳсулотларни олиб ўтиш бемалол бўлади, зарур халқ хўжалиги товарлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан эркин савдо қилиш ҳамда уларни айрибошлаш имкониятлари яратилади. Табиийки, бунинг учун ҳар икки вилоят божхона хизмати фаолияти мувофиқлаштирилади. Ўзаро манфаатли хўжалик алоқаларини оsonлаштириш мақсадида тегишли ташкилотларга муайян муддат учун рухсатномалар берилган ҳам келиши олинди.

Шартномалар туғрисида гап кетганда ҳар икки томон учун муҳим бўлган бир долзарб вазифа ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Гап шундаки, Тошкент ва Ленинобод бир-бирга тугаш вилоятлардир. Афсуски,

ҳар икки вилоят ҳудудида рўй бераётган жиноятчилик ҳаракатлари ўзига хос мушкулликларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун икки вилоят ички ишлар бошқармалари уюшган жиноятчиликка, гиёҳвандликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтиради. Бу муҳим ҳолат ҳам шартномада ўз ифодасини топган.

Табиийки, икки вилоят ҳамкорлигида халқ маорифи, тиббий хизмат ва маданий алоқаларни кучайтириш алоҳида ўрин тутди. Хусусан, чегарадош районларнинг меҳнаткашларига Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш муассасалари тиббий хизмат кўрсатади. Шифокорларнинг ўзаро тажриба алмашишлари йўлга қўйилди, турли дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар билан ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилган. Келгусида ҳар икки вилоят олий ўқув юрларида келтирилган ҳолат талабаларни йўлланмалар асосида қабул қилиш, ўзбек ва тожик мактабларининг ўқувчилари учун ҳар икки тилдаги дарсликларни айрибошлаш, таълим-тарбия ишларида ўзаро ҳамкорлик қилиш амалга оширилади.

Маданият ва санъат халқларни бир-бирига яқинлаштиришда таъсирчан ва оммавий воситалардандир. Тожик ва ўзбекларнинг қади-

мий бой тарихидан тортиб адабиёти, урф-одатлари, расм-русумлари ва санъатигача бир-бирига шу қадар яқин ва ўхшашки, унинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Устоз ва шогирд мавлоно Жомий ва Навоийнинг буюк дўстлиги, ҳар икки қардош халқ классик адабиётидаги яқинлик, санъатимиз, халқ оғзаки ижодиятидаги уйғунликни фахр ва ифтихор билан таъкидлаймиз. Бундан буён ҳар икки вилоят маданият кунларини мунтазам ўтказиб туриш анъанага айланади. Ленинободда ўтадиган Тошкент вилояти маданияти кунларида ўзбек санъаткорлари, бадий ҳаваскорлик дасталари, халқ оғзаки ижодиёти намойидалари, хуллас, маданиятимизнинг барча соҳалари вакиллари хизматда бўладилар. Тошкентда ўтадиган Ленинобод вилояти маданияти кунларида эса вилоятимиз меҳнаткашлари ана шу ташриф туфайли қардош тожик халқининг бугунги маданий ҳаёти билан янада яқиндан танишадилар.

Бундан ташқари, жисмоний тарбия, спорт ва туризмнинг энг оммавий турлари бўйича ҳамкорлик қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Масалан, миллий спорт мусобақаларини биргаликда ўтказиш, турли сайллар ташкил этиш, Наврўз байрамларини бирга нишонлаш, икки вилоят ҳудудидagi маданият ёдгорликлари ва тарихий обидалар билан яқиндан танишиш учун сайёҳлар гуруҳларини айирбошлаш каби ва бошқа кўпгина тадбирлар кўзда тутилган. Келгусида икки вилоят шаҳар ва районлари ўртасида бевосита ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболлари мавжуд. Бундан кейин ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар давом эттирилади.

Ҳозир вазият кун сайин ўзгариб турган бир шароитда яшаймиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги қийинчиликлар бизни ҳам

четлаб ўтаётгани йўқ. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Дарҳақиқат, бугун биргаликда ҳаракат қилишимизни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Қолаверса, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувида таъкидланганидек, бу минтақадаги бой хом ашё захираси, халқларнинг имкониятлари аввало шу ҳудудда истиқомат қилаётган 55 миллионлик аҳолининг манфаатига қаратилмоғи зарур. Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари, шунингдек, Тошкент ва Ленинобод вилоятлари халқлари ўртасидаги манфаатли алоқалар бу борада катта аҳамиятга эга бўлиши муқаррар. Шунинг учун ҳам икки ўртада ўрнатилган ҳамкорлик катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

Умуман, икки вилоят ўртасида имзоланган шартноманинг моҳияти ҳақида гап-пиранидан бўлсак, у икки вилоят меҳнаткашларини бир-бирига янада яқинлаштириш, дўстлик, қон-қардошликни кучайтириш, янги-янги мазмун билан бойитишга хизмат қилади. Бу ўринда гап шунчаки, расмий шартнома тузиб, чекланган доирадаги маълум гуруҳларнинг ўзаро алоқаларини йўлга қўйиш ҳақида эмас, балки икки республика вилоятларининг дўстона, беғараз, тенглик асосидаги алоқаларини ривожлантириш устида кетяпти. Ана шу бондан ҳам ҳар икки вилоят вакиллари ўзаро мулоқот, учрашувлар пайтида бу масалага алоҳида масъулият билан ёндошдилар.

Шу ўринда Пролетар районидagi жамоа хўжалиги раиси Абдуғофур ота Саматов учрашув чоғида алоҳида таъкидлаган бир гапни келтириб ўтмоқчиман. У қудратли икки республика — Ўзбекистон ва Тожикистон халқи ҳамжиҳатликда ҳаракат қилса, ҳеч қандай куч бизни енголмайди, ҳар қандай оғир вазифани, муаммонини ҳам ҳал эти оламиз, деди. Дарҳақиқат, шундай. Зеро, буюк тожик алломаси ва шоири Абу Абдулло Рўдакий айтганидек:

Жаҳоннинг шодлиги
Йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан
Бўлолмас устун!

[«ХАЛҚ СЎЗИ»,
23 апрель, 1993 йил].

Республика Вазирлар маҳкамасида

(Боши 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси давлат кинокомпаниясига, Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига келгуси йилнинг сентябрига Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятини тасвирловчи бадий ҳамда ҳужжатли фильмлар яратиб топширилди.

Фанлар академиясига Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот комитети билан биргаликда Мирзо Улуғбекнинг рисолаларини ўзбек ва хорижий муаллифларнинг аллома ҳаётига ҳамда меросига бағишланган асарларини тайёрлаб, 1993-1994 йилларда белгиланган тартибда нашр этиш тавсия қилинди. Республика Фанлар академиясига, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Улуғбек ва унинг шогирдлари қаламига мансуб бўлган ва хорижий кутубхоналарда сақланаётган асарларнинг асл нусхаларини аниқлаш ва

уларнинг микрофильмларини олиб келиш учун чет элларга бир гуруҳ мутахассисларни юбориш тақлиф этилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига бу ишни амалга оширишда кўмаклашиш топширилди.

Ташкилот комитети вазирликлар, идоралар, юбилей тантаналари бўлиб ўтадиган шаҳарларнинг ҳокимликлари билан биргаликда юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар рўйхатини тайёрлаш ва тасдиқлаш учун тақдим этиши лозим. Республика Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитети билан Молия вазирлигига тасдиқланган сметага мувофиқ ана шу харажатларни бюджетда кўзда тутиш топширилди.

Юбилей тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш учун ташкилот комитетига бўйсунадиган дирекция ташкил қилинди.

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ 600 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ЮБИЛЕЙ ТАДБИРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УТҚАЗИШ РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ ТАРКИБИ

Муталов А. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, ташкилот комитетининг раиси
Тўлаганов К. Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилот комитети раисининг ўринбосари
Қорабоев М. Қ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташки-

лот комитети раисининг ўринбосари

Абдурахмонов П. М. — Самарқанд вилоятининг ҳокими, ташкилот комитети раисининг ўринбосари

Фозилбеков А. И. — Тошкент шаҳри Ҳокими, ташкилот комитети раисининг ўринбосари

Ўлдошев Т. С. — Фанлар

академияси астрономия институтининг директори, ташкилот комитетининг масъул котиби

Саидқосимов С. С. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси

Рисқиев Т. Т. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси

Мурод Муҳаммад Дўст — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби

Абдуллаев Ж. А. — Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Аҳмедов А. А. — Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг бўлим мудири

Ашрафий Ф. М. — Ўзбекистон Архитекторлар уюшмасининг раиси

Боқибоев Э. Ж. — молия вазири

Жамол Камол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби

Раҳимов К. — алоқа вазири

Салоҳиддинов М. С. — Фанлар академиясининг президенти

Салимов О. У. — Улуғбек жамғармасининг раиси

Сафоев С. С. — ташқи ишлар вазири

Ҳазратқулов М. — Миллий ахборот агентлигининг бош директори

Ҳайитбоев Э. Қ. — маданият ишлари вазири

Хидиров Т. П. — Қашқадарё вилоятининг ҳокими

Шодиметов Ю. Ш. — Вазирлар маҳкамасининг бўлим мудири

Шоғуломов Р. — Давлат матбуот комитетининг раиси

Юсуфбеков Н. Р. — Давлат фан ва техника комитетининг раиси

Ёдгоров Д. С. — Бухоро вилоятининг ҳокими

Яҳёев Ш. Ғ. — Давлат телерадиоэшиттириш компаниясининг раиси

АРАФА

Ниҳоят кунлар рисоладагидек исиб, ҳаво юришиб кетди. Деҳқончиликдаги ишлар авж олмақда. Айниқса, пахтакорлар чигит экишни маромида ва тезроқ тугаллаш учун барча имкониятларни ишга солмақдалар. Утган кунгача бўлган маълумотга қараганда вилоятимизда 112 минг гектардан ортиқ майдонга чигит экиб бўлинди. Яъни режа 91 фоиз бажарилди.

Қуйичирчиқ районининг деҳқонлари экишда қарвонбошилик қилмоқдалар. Утган кун бу районда катта майдонга чигит экилди ва режа бажарилди деб қолди. Оққўрғонликлар ҳам экишда суръатни кучайтириб юбордилар. Бундан кейинги ўринда юқоричирчиқликлар бормоқдалар. Шундай қилиб, вилоятимизда ҳар кун 11 фоиздан ортиқ майдонга чигит экилмоқда.

Умуман, бугунги кунда гап чигит экиш ҳақида борар экан, илғорларни таъкидлаш билан бирга палон район экишда сусткашлик қилмоқда, суръатни кучайтирмапти, деб айтиш инсофдан бўлмас, чунки, ҳар бир деҳқон, ҳар бир пахтакор табиийки, мавсумни муваффақиятли якунлаш, чигит экишни мўлжалдаги вақтда тугаллашдан манфаатдордир. Бу табиий. Ахир эрта эксанг, эрта ҳосил оласан, бунинг устига ҳосил сифатли ҳам бўлади. Сифатли ҳосилнинг баракиси ва келтирадиган даромади ҳам яхши бўлади.

Демак, ҳар бир район, ҳар бир хўжалик ерга уруғ қандаш ўз имконияти, тупроқ шароитига қараб иш олиб бормоқда. Масалан, Бекобод районидеги чигит экиш асосан пуштага экилади. Шунинг учун ҳам дастлабки кунларда суръат бироз орқада бўлиб турди. Айни кунларда эса иш жадал-

лашиб кетди. Бекободликлар ўтган кун катта майдонга чигит экидилар. Бу режага нисбатан олинадиган бўлса 12 фоизни ташкил этади. Чинозда ерларнинг етилиши бироз кечикди. Бироқ, бугунги кунда чинозликлар бу кечикишнинг ўрнини тўлдириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Пискент районида ҳам суръат кучайди. Бўкаликлар ҳам экишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Булардан хулоса чиқариб шуни айтиш мумкинки, ҳамма ерда чигит экиш асосан уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Бу муҳим тадбирни вилоятимизда узоғи билан 20 апрелгача тугаллаш кўзда тутилган эди. Ушанда ҳаво очилиб турса, бўлган деб, ният қилган эдик. Бироқ бўлмади. Биринчи кун ёмғир ёғди. Айрим ерларда жалага айланди. Бу бир жиҳатдан ердаги қаммайброқ қолган намни кўпайтиришга, дастлабки экилган чигитларни тезроқ ундириб олишга ёрдам берган бўлса, иккинчидан чигит экишни бироз орқага суртилишига олиб келди. Лекин мана яна кунлар юришиб кетди. Ҳозирги суръат ҳам ёмон эмас. Деҳқонларимиз эртеиндин чигит экишни ниҳоясига етказишни аҳд қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Олинган хабарларга қараганда дастлабки экилган майдонларда чигит унинг чиқиб, ниҳоллар кўзга ташланиб қолди. Бу — мўл ҳосилдан даракдир. Эндиги вазифа ҳамма ерда чигитни бир текис ундириб олиб, парваршига эътиборни кучайтиришдан иборатдир. Деҳқонларимиз бу ишнинг уaldasидан чиқадилар. Хирмоннинг салмоқли ва баракали бўлиши учун астойдил ҳаракат қиладилар.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

ТОВОРА ривожланаётган бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитларида 1993 йилда вилоят аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, бу муҳим масалада маҳаллий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари кучларини мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент вилояти ҳокими ва Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг биргаликдаги битими юзасидан қарор қабул қилинди.

Вилоят ҳокимияти истиқболни белгилаш ва статистика бошқармаси, бўлимлар, бошқармалар, вилоят касаба уюшмалари кўмиталарига белгиланган муддатларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастури ҳақида шартнома бандларининг бажарилишини таъминлаш топширилди. Айни пайтда дастурнинг ижросини назорат қилиш бўйича вилоят ҳокими ўринбосари Ҳ. Ҳамидов ҳамда Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раисининг муовини Ю. А. Ҳайдуровлар раисликларида ҳокимият ва вилоят касаба уюшмалари кенгашининг комиссиялари тасдиқланди.

Ижтимоий ҳимоялаш битимига мувофиқ давлат корхоналари, турар-жой, коммунал, маиший хизмат жойларини хусусийлаштириш, шунингдек, корхоналар, айрим бўлимларни тугатиш, ишчи жойларини қисқартиришга олиб келадиган ҳолатлар касаба уюшмаси розилигисиз ва меҳнат жамоаси қарорисиз амалга ошмайди. Шунингдек, Республика аҳолисини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ олти ой давомида ишловчиларга тўла ёки қисман товон тўлаш билан оммавий ишдан бўшатиш ҳақидаги қарорлар ҳам тўхтатилди. Шу қонунга қў-

ра, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг умумий сонига нисбатан етти фоизининг, шу жумладан ногиронларга нисбатан камида уч фоизининг иш жойи барқарор бўлиши таъминланади. Корхоналар ва муассасалар, турли тоифадаги ташкилотлар маблағлари ҳисобидан ночор пенсионерлар, меҳнат фахрийлари, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар ва бошқаларга пенсия ҳамда нафақаларга қўшимчалар белгилаш тажрибаси кенгайтириб борилади.

рисиде ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш тадбирлари белгиланган. Болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар тарбияланадиган маданий муассасаларни қисқартришга йўл қўймаслик, болалар оромгоҳларини маромида ишлаб туришини таъминлаш зарурлиги ҳам таъкидланади. Етим болалар учун соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмаларнинг маълум қисмини тўлашни ташкил этиш таъминланади. Шунингдек вилоят ҳокимияти, вилоят молия бошқарма-

ҳақи учун товон пули тўлаш имкониятлари кўзда тутилади. Олийгоҳлар ва ўрта махсус ўқув юртли талабалари (кундузги ўқув) шунингдек, умумтаълим, musiқа-вий, рассомчилик мактаблари, мактаб-интернатлар (кечки мактабларда ўқийдиганлардан ташқари) ўқувчилари учун вилоят шаҳарларидаги пассажир транспортларида (таксидан ташқари) шунингдек, «Инқилоб ҳибони — Уллубек», «Горький метроси — Уллубек», «Горький метроси — СО-

сини иш билан таъминлашга самарали таъсир кўрсатувчи, кўмаклашувчи тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилади. Меҳнаткашларга вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги, оғироёқ бўлган ва туғиш, фарзанд туғилганлиги учун бир йўла нафақалар тўла ҳажмда берилишини таъминлайдилар. Бунинг учун ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан 1390908 минг сўм ажратилади.

Кам таъминланган пенсионерлар, меҳнат фахрийлари, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар пенсиялари ва нафақаларига корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳисобидан қўшимчалар белгилаш, меҳнаткашларнинг даволаниши учун маблағлар ажратиш ҳақида тақлифлар киритилади. Ижтимоий таъминот маблағидан 34 минг нафардан кўп меҳнаткаш ва унинг онла аъзоларини санаторий, касаба уюшмалари, дам олиш уйлари ҳамда пансионатларида, шу жумладан 120 нафар байналмилалчи жангчи, Чернобыль воқеалари иштирокчилари, 170 нафар инфаркт-миокард бўлганлар соғлигини тиклаш учун камида 200 миллион сўм ажратилади. 30 минг боланинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида саломатлигини мустаҳкамлаш учун 92 миллион сўм ажратилади. Наврўз, Янги Йил байрамларида болаларга совғалар учун зарур маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Касаба уюшмалари аёллар ва вояга етмаган ёшлар меҳнатидан тўғри фойдаланиш устидан доимий назорат ўрнатадилар. Меҳнат, табиат муҳофазаси билан нзчил шуғулланадилар.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ— ЭЪТИБОРДА

Вилоятдаги шаҳарлар ва районлардаги айрим ошхоналарда ижтимоий таъминот органлари томонидан берилган талон ёки гувоҳномалар бўйича кам таъминланган пенсионерлар, ногиронлар, кексайиб қолган ёлғиз фуқароларга имтиёзли ёки бепул овқатланишни ташкил этиш давом эттирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 декабрдаги «1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги қарори бўйича зарур маблағни ўз вақтида ва тўла ҳажмда бериш таъминланади. Битимда кексалар, болалар уйлари, интернатлар байналмилал жангчилар соғлигини тиклаш тўғ-

си, савдо концерни, ички ишлар бошқармаси, матлубот жамияти, халқ таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш бўлими, умумий овқатланиш концерни вилоятдаги барча маданий оқартув муассасалари учун етарли меҳнат шарт-шароитларини яратиб беришни таъминлайдилар. Паркент ва Бўстонлик районларидаги миллий бог, соғломлаштириш оромгоҳлари тўловлардан озод этиладилар.

Маҳаллий бюджет, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар маблағи ҳисобига айрим тоифадаги ходимлар, хусусан, шифокорлар, ўқитувчиларга хизмат вазифасини ўтаётган вақтда кира

ЮЗНИХИ» қатнов автобусларида юриш учун имтиёзли ойлик чипталар чиқарилади. Аълога ўқиган, жамоат ишларида фаол қатнашган олий ўқув юртли талабалари учун вилоят ҳокимиятининг имтиёзли стипендиялари таъсис этилади.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими қасаба уюшмалари вилоят кўмиталари кучи билан хусусийлаштириш ва давлат мулкни тасаруфдан чиқариш қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиб борадилар. Кишиларни иш билан банд қилиш борасида изчил шуғулланадилар. Ишчи ўрнини сақлаш бўйича маҳаллий бошқарув органлари билан музокаралар олиб борадилар. Тошкент вилоят аҳоли-

Адабиёт ва санъат

Муштарий илҳомлари

БЕШИК ҚУШИҒИ

Ихлос заиф, урф-одат ёрти,
Биз дунёга келган кунларда,
Оталарнинг ёшлиги ўтган,
От устида айдоқ, эгарда,
Оваларнинг келаячаклиги,
Кун-тун бешик тевратиб кечган,
Қишлоқларда бешиқсиз уста,
Бешиқсиз зур дов-дарахт эвган.
Қани, ўшал касбу, қадрият,
Қани, ўшал бешиқсиз оғоч,
Қачонгача ўзга жойлардан,
Келтиривиз уни қонлоқ.
От миншин билмас болалар,
Минсам дейди «Жигули», «Волга»,
Келмишлар аравачада,
Бола олим юршир зўрга,
Эшитилмас бешик қўшиғи,
Еш оналар билмаслар балки,
Бешиқнинг нимаси дея,

Кексаларни қилишгай кулки,
Аравага осиб олишгай,
Магнитофон гапниг куй чалар,
Аравада шимлоқли қолган,
Ўздак пў-пў этиб йўталар,
Мушги «ажа»нинг ўрнига бешик,
Қўнигини қуйган, оналар,
Алла тинглаб, бешиқда соғлом,
Ботир бўлиб уссия, болалар!

ТЎРТЛИКЛАР

Ҳаёт... ўзига хос қонуни, модда,
Ўқиб олган моддама-модда,
Тузатаол хато — ярашган,
Боғламасдан газату, мадда.

Хушбўйликни райқондан ўрган,
Камтарликни дехқондан ўрган,
Ковил инсон бўлмоқ истасан,
Эзгуликни бонбондан ўрган.

Ҳасан ОТА.

БОЛАННИГ ТИЛИ ШИРИН

КУП ЧОПАНДИМ

Тўрт ёшли Жасурбек аста диласининг ёнига ўтириб чап оёгини кўрсатаркан деди:
— Мана шу оёғим огрипти дала, ҳали ўртоқларим билан узоққа югуриш ўйнаганимизда шу оёғимда кўпроқ чопандим-да...

АРИЛАННИГ ДАДАСИ

ҲОВЛИДА ўйнаб юрган уч ёшли Жасурбекни қовоқ ари қақиб олди. Боласининг чиқибди йиғлаганини эшитиб ошхонадан чопиб чиққан онаси суриштира бошлади:
— Вой, болажоним, нима чақди, қасрингни?
— Мана бу қўлимни, — деди Жасурбек ҳамон ўзини босолмай йиғларкан. — Арларнинг дадаси қақди.

ЯНГИ ЖАСУРБЕК

ЧУМИЛТИРИВ бўлиб артаётган онасига уч ёшли Жасурбек деди:
— Ойи, мен янги бўлиб қолдим-а?

ҚУРИБ ҚОЛАЯПТИ

ЭРТАЛАВ юзини ювиб хонага кириб келган тўрт ёшли Жасурбек шошиб деди:
— Тезроқ сочқини берингла, қуриб қолаяпти.

ШАРТ

ДАМ олиш кунини нонуштадан кейин тўрт ёшли Жасурбек унинг ўртасига туриб олиб айланган шайланаркан деди:
— Агар бугун мени ҳайвонот боғига олиб борма-санглар, бутун уйни айлантриб юбораман.

ҚАНАҚА ЙИҒЛАЙНИ?

ОНАСИ йиғлаб ўтирган тўрт ёшли Жасурбекка деди:
— Агар шунақа йиғлайверсанг, сенга ҳеч нараса олиб бермайман.
— Унда қанақа йиғлайин, оий?

Саложиддин СИРОЖИДИНОВ.

ҚАЙТА ТУҒИЛИБДИ...

Тонгга елга пешвоз чиқади онам,
Кўёш нурларига тилайди тилак...
Қара, янги кунга етдимиз, болам,
Балаид тепалиқда уинбди чечак...

Кўшлар чуғурига қулоқ тут, бўтам,
Поклик, эзгуликдан сўйларлар эртан,
Аптайсан қуртаклар шиварида ҳам,
Балаид тепалиқда уинбди чечак...

Бахт тиланади, инсон тиланар,
Бодом гулларида ойдан келинчак.
Боқинида уинд ўтлар ёбар,
Балаид тепалиқда уинбди чечак...

Момо куймаламар ўчоқ бошида,
Дошқозон таратар элга сумалда,
Дилхушлик бор элим қари-ёшида,
Балаид тепалиқда уинбди чечак...

Тонгга елга пешвоз чиқади онам,
Кўёш нурларига тилайди тилак.
Қайта туғилибди бу тонгда олам,
Балаид тепалиқда уинбди чечак...

Ориф НОМОЗОВ.

ОЛИМНИ ШАРАФЛАШДИ

ОДДИЙГИНА боғбон оиласининг фарзанди, бутун фикру ёқини илм-фаннинг раванкига, шоғирлар тарбиқсига бағишлаб келётган заҳматкаш олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Собир Мирвалиевни Юнусободнинг «Оқ тепа» маҳалласида каттаю кичик тилимиди ва самийи хурмат қилди.

Кеча олимнинг ўзи ишлаётган мазкур институтда С. Мирвалиев таваллудининг 60 йиллигини шарафлашга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Забардаст адабиётшунослар, институт илм-фан соҳиблари, профессорнинг шоғирлари, талабалар, жамоатчилик вакиллари уни қизгин муборакбод эдилар. Олимига бошқий умр, сиҳат-саломатлик тилалар. Биз ҳам ана шу инстақларга тиландошимиз.

Собир ака неча бор ўзи туғилиб ўсган жойга навоийшунос олимлар, истеъдодли адилбарни жалб этиб сўхбатлар ўтказди. Билим олган мактаби бегрида ўқувчилар

билан мулоқотлар олиб берди.
Республика адабиёти олимиде Собир аканинг ўзи каби фанга садоқатли шоғирлари кўп. Уларни саноб охирига етказиб бўлмайди. Бир неча йилдири, у Тошкент маданият институтинда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Кеча олимнинг ўзи ишлаётган мазкур институтда С. Мирвалиев таваллудининг 60 йиллигини шарафлашга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Забардаст адабиётшунослар, институт илм-фан соҳиблари, профессорнинг шоғирлари, талабалар, жамоатчилик вакиллари уни қизгин муборакбод эдилар. Олимига бошқий умр, сиҳат-саломатлик тилалар. Биз ҳам ана шу инстақларга тиландошимиз.

Собир ака неча бор ўзи туғилиб ўсган жойга навоийшунос олимлар, истеъдодли адилбарни жалб этиб сўхбатлар ўтказди. Билим олган мактаби бегрида ўқувчилар

Сайдилан ҲАСАНОВ.

Янги ғазаллар

ХУМОР АЙЛАР

Санам ишқин жазосига сочин бўйинига дор айлар,
Сочин бўйинига дор этмоқчи бас этса, хумор айлар.
Жаҳонда тошбағир борму яна бизнинг санам янгли,
Бағир тоши билан гоҳ ул дилигини сангисор айлар.
Эй ўткинчи, тиклима кўп, нигоримдир ятоқ феъллик,
Ҳаёсиз кўзларингга кенг жаҳонни таңгу топ айлар.
Унинг қўлиндадир, найлай, мени йўқ ёки бор этмоқ,
Мени дунёда бор айлар, агарким эътибор айлар.
Демиллар улфату аҳбоб: «Ажаб ошфута бу Турғун;
Бериб ўз ихтиёрин ёрига, ёр ихтиёр айлар.



ДОИРА жаранги авжида, қизларни чорлар даврага.

«АГАР ОН ТУРК-Э ШЕРОЗИЙ...»

(ҲОФИЗДАН ЭРКИН ТАРЖИМА)

Гар ўлса ул шерозлик турк қизи кўнглим қароғонин,
Берурман ҳинду холн-чун Самарқанду Бухоронин.
Паёнай тут қадаҳ, соқий, ки жаннатда толмайсан.
Бу Рукнобод сувн бирла сўлим боғи Мусаллонин.
Бу фатҳуно шўху маккораларнинг дастидан доққим.
Дилимдан қувдилар сабрим, қилиб турқона яғмонин.
Камолди-ноқис ишқинга, жамолди рангга зор эримас,
Азал машшотас берган юзига зебу оронин.
Милансийиносиде мен ул Юсуфни кўрдиму билдим —
Ки, номуе пардасидин ишқ чинармишди Зулхайдонин.
Мени тақабилган чоғинг, худо шоҳид, қувонгайман,
Сабабким, талх сўзинг шадх айлар далай шакардонин.
Насихат тинглағил, жоно: ақлли, бахтлалаб ёшлар,
Юракдан оқтиром айлаб, тутар дўст кекса доноин.
Май-у созандадан сўла, даҳр сирини кам изла,
Илм бирла ечаб бўлмайди бу мушкул муаммонин.
Ғазал айдидингиз дур соҳдинг ваё, эй Ҳофизи қушқон,
Фалак этсин гуҳаршоде сенга хайли Сурайёнин.

СЎРАБ ЮРМАНГ

Менинг қадриمنى инсофи ҳазонлардан сўраб юрманг,
Хушомад аҳлига ҳомиё йўғонлардан сўраб юрманг.
Мени, эй яхшилар, мендек ёмонлар яхши билгайлар,
На яхши, на ёмон — ўртамеъналардан сўраб юрманг.
Ғурур маъносини, эй воҳ, не билсан беғурур инсон,
Дил қўлиқка мойил безабонлардан сўраб юрманг.
Диёнатин намар этган боболар наслиданманким,
Яна аслиمنى асли ноёнлардан сўраб юрманг.
Отамнинг фазлини айтсан ватан деб жангга кирганлар,
Ки, майдон кўрмаган жон омонлардан сўраб юрманг.
Адолат ишқиде ёнган киши англаб менинг дардим,
Фоқат бедарду бешиқ вота вонлардан сўраб юрманг.
Бу Турғун сўзининг шарҳин сўранг, дўстлар, расолардан,
Ва лекки норасога меҳрибонлардан сўраб юрманг.
Турғун ТУРСУНБОЕВ.

ИСТИҚЛОЛ ЖИЛОЛАРИ

ҚАЛДИРҒОЧЛАР

ҚАЛДИРҒОЧЛАРНИ, одатда, эзгулик, поклик ва кўк-лам дерекчилари сифатида қадрлайдилар. Унинг энди-гина темирқоғит бўлган попилоларни теварағида меҳр билан қарз ўршиши, аста-секин унишга ўргатишини, ҳорганини сезса, қанотлари остига олиб эркалашини кузатганимиз?

Халқлар Дўстлиги саройига жумуқларини эргаштириб келётган ота-оналарни, уларнинг мураббийларини, бири дутор, бири гижмак, бири чанг кўтариб борётган санъатчилик гунаҳларини кўрганамиз, ана шу манзара кўз ўнгимга келди. Жўшқинлиги дарё сувидек, меҳри қушга монанд ота-оналаримиз, мураббийларимиз бор экан, истиқлол ва истиқбол эгалари эркин, қувноқ яшайдилар, табиат инсоқ этган қобилиятлари эса рўёбга чиқаверади.

Наврўз байрамини бағишлаб мазкур қошопада ўтказилган «Истиқлол жилолари» мавзудаги ёш ижодкорлар кўргазмаси ва концертти фикримизга далил бўла олади.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидеги санъат ва маданият ўқув юртлари талабалари билан ўқитувчилари тақрирланган мазкур тадбирда жамоатчилик намойишлари, санъат ва маданият ҳодимлари концерт бошланғичиндан олдин қошонанинг ойнаванд равоқлари остида уюштирилган кўргазмадан кўздан кечирдилар. Кўргазмага М. Уйғур номидаги Санъатшунослик институти билан Беньков номидаги Рассоллар билим юртиде таҳсил олаётган ёшлар мураббийларнинг асарлари кўрсатилган эди.
Шундан кейин ҳамма томоша залига тақлим қилинди. — Азизлар, ҳурматли меҳмонлар, устозлар, ўлкамизда Наврўз шаддам оқимлаётган, яшарш ва меҳнат фасли ҳажм сураётган шундай кунларда санъатимиз келажиги бўлган фарзандларимиз — бўлажак хонандоёнавозорлар, рақиску рақислар мураббийлари кўнглидаде сизларга тўғри таърифлар, — деди Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Н. Иброҳимов. — Республика ҳамда ҳаудайи кўрик-таъловларининг қоллиблари иштирок этётган бу концертти мизини истиқлол маданияси деб қабул этгайсиз.

Саҳна камалақдек товланган, М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси талабалари ижросида баркам увортораси янграйди. Концерт бошланади.

Яйра Давлатова найда ижро этган куй, С. Қосимовнинг дутор тоқларининг, Босиб Ориф оталар таърифлаб келган, Н. Сатторов консерватория симфоник оркестри жўрлиғида берилиб қуйилган «Тановар» қўшиғи Турғун Алиметов, Сайиджон Келонор, Мунзоқот Йўлчиёва сингаири санъаткорлар авлоди етшиб келаватганидан далолат беради. «Истиқлол жилолари» тадбирида республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорбобоев қатнашди.

Баҳодир АБДУЛЛАЕВ, Ўза мутбири.

САНЪАТ ВА ҲАЙРАТ

Шу ўринда Навойнинг ҳақиқий инсон меҳнат фаолияти орқалигина қадриятимиз ва эътибор қозонади, бундай кишилар ўз меҳнатлари билан фахрланишга тўла ҳаққидирлар, деб ўқитишини алоҳида таъкидлаш жоиз.
Зеро, ўткинчи чол Ҳотамнинг илғиғинини, раҳимоналигини билан айтган сўзларини иттиқорона эшитиб қолмайди, албатта. Шунини

мусаввир улуг шоир асарини қунт билан ўрганиб, ундаги фикр-ғояларни деворий расмларда тўлақонли акс эттирилади.
Бу деворий лавҳада тасвирланган Ҳотам Тойи сиймоси устида ҳам икки оғиз тўхталик. Деворий расмда ҳалол меҳнат тақдирини ўткинчи чол сиймоси орқали ишонч қилдирилган. Навой Ҳотамни олийҳиммат ва саҳий киши-

га деворий расмлар ҳам бор. Бу монументал санъат асарлари ҳам мутаяссис ва ихлосмандларнинг олқишига сазовор бўлди.
